

Р.Т. Турсунов, ф.м.ф.н., доц., ТДИУ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАХЛИЛИ

В статье рассматриваются тенденции развития малого бизнеса и частного предпринимательства. Особое внимание уделено на определение взаимосвязи между объемом кредитов выделенных субъектам малого бизнеса и частного предпринимательство и ее долей ВВП страны.

The tendencies developments of small business and private entrepreneurship will considered in this article. The special emphasis is given on the relations between volume of credits given to subjects of small business and private entrepreneurs and its share GDP of country.


Калитли сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, кредит, микрокредит, ялпи ички маҳсулот, корреляция, регрессия.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан кичик бизнесни ривожлантиришга мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим соҳалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти И. Каримов мустақил тараққиёт даврининг бошиданок кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз учун муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида кўрсатиб берганлар. Бунда иқтисодиётнинг мазкур соҳаси уч асосий масалани ҳал этиши кераклигига алоҳида урғу бериб ўтилган. Биринчидан, яқин 5-10 йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50-60 фоизига яқинини ишлаб чиқариши керак. Иккинчидан, улар аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаи бўлмоғи зарур. Учинчи масала – мулкдорлар синфини мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган асосий куч сифатида шакллантириш зарур [1].

Республикамиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциясини ўрганишда эконометрик моделлаштириш усуллари Б.Ю. Ходиев[3] ва С.К. Салаев[4] каби олимлар томонидан фойдаланилган. Микрокредитлаш ҳажмлари билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши ўртасидаги корреляцион боғлиқлик коэффициенти Б.С. Маматов[5] томонидан ўрганилган.


Кичик бизнес тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши, нисбатан арзон кредит ресурсларининг тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада ошиб борди. Маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 15,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2014 йилда фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этиб, 12,6 баравар ўсди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида

кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилда 52,5 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31 фоизни ташкил этган эди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши динамикаси (фоизда)

Сўнгги йилларда ҳукуратимиз томонидан КБХТни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредит ва микрокредитлар, млрд. Сўмда

Бунда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бошланғич капиталини шакллантириш, уларнинг инвестиция лойиҳалари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмларини кенгайтириш, касб-ҳунар

коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиялаштириш, айниқса, қишлоқ жойларида иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган микромолиявий хизматлар ҳажмларини кенгайтиришга қаратилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда янада қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни узлуксиз давом эттириш мақсадида ушбу сектор иштирокчилари учун молия-кредит ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминловчи бозор воситалари, механизмлари ва амалиёти такомиллаштириб борилмоқда.

2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин микдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди [2].

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ва ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши

Йиллар	Кичик бизнесга ажратилган кредитлар ҳажми (X), млрд. сўм	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (У), %
1	2	3
2002	265	34,6
2003	294	35,0
2004	354	35,6
2005	419,9	38,2
2006	547,4	42,1
2007	743,7	45,5
2008	1250,8	48,2
2009	1851,7	50,1
2010	2690,2	53,0
2011	4041,4	54,0
2012	5346	54,6
2013	6983	55,4
2014	9050	56,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари.

1-жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитнинг ўсиши ушбу соҳа вакилларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўсишига олиб келганини пайқаш қийин эмас. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, деган хулосага келамиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар билан ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг эконометрик таҳлилини қуйидаги босқичларда амалга оширамиз:

1. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши ўртасидаги боғлиқлик шаклини аниқлаш.

2. Корреляцион таҳлил асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши ўртасидаги регрессион тенгламанинг номаълум коэффициентларини баҳолаш.

3. Аниқланган регрессион тенглама асосида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ва кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушининг ўзгариш прогнозини аниқлаш.

1-жадвал маълумотлари асосида текисликнинг абцисса ўқида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдорини, ордината ўқида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қўйилса, ҳосил бўлган нуқталарнинг жойлашуви кўрсаткичли функциянинг графигига ўхшаб кетади. Шунинг учун тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртасида боғлиқлик чизиксиз функция кўрнишида эканлиги ҳақида хулоса чиқарамиз.

Кўрсаткичли функциянинг номаълум коэффициентларини баҳолаш учун ушбу функцияни логарифмлаб чизикли функцияга олиб келинади ва унинг номаълум параметрлари энг кичик квадратлар усули билан баҳоланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотларни логарифмлаб, ($\ln X$ ва $\ln Y$) кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ва ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуш ўртасидаги корреляция коэффициентини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз [6]:

$$R = \frac{\sum_{i=1}^n (\ln X_i - \bar{X})(\ln Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (\ln X_i - \bar{X})^2 \sum_{i=1}^n (\ln Y_i - \bar{Y})^2}}$$

бу ерда $\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \ln X_i$, $\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \ln Y_i$ - мос равишда $\ln X$ ва $\ln Y$ белгиларнинг ўртача арифметиги.

Ҳисоб-китобларни бажариш асосида $R=0,9614$ аниқланди. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуш логарифми ўртасидаги боғлиқлик – чизикли кўринишда бўлиш эҳтимоли 0,96 га тенг.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми билан ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши ўртасидаги боғлиқликнинг регрессион тенгламасини $\ln Y = a \cdot \ln X + b$ кўринишида деб, унинг номаълум коэффициентларини қуйидаги формулалар асосида аниқлаймиз:

$$\hat{a} = R \cdot \frac{\sqrt{\sum_{i=1}^n (\ln Y_i - \bar{Y})^2}}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (\ln X_i - \bar{X})^2}} = (0,9614 \cdot 0,648772) / 4,408514 = 0,1415$$

$$b = \bar{Y} - a \cdot \bar{X} = 3,8201 - 0,1415 \cdot 7,1975 = 2,8016$$

Шундай қилиб, регрессия тенгламаси $\ln Y = 0,1415 \cdot \ln X + 2,8016$. Ушбу регрессия тенгламасига биноан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми маълум бўлганда кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши қанча бўлишини башорат этиш мумкин.

2-жадвал

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ва кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушининг ўзгариш прогнози

Кичик бизнесга ажратилган кредитлар ҳажми (X), млрд. Сўм	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (Y), %
1	2
10000	56,7
11000	57,5
12000	58,2
13000	58,9
14000	59,5
15000	60,1

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Юқоридаги 2-жадвалда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмига кўра, уларнинг ЯИМдаги улушининг прогнози келтирилган. Ушбу прогноз бўйича тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар миқдори 10 триллион сўм бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 56,7 фоизни, кредит миқдори 12 триллион сўмни ташкил этса, ушбу кўрсаткич 58,2 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар ривожланиш тенденциясини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар бериш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори билан ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши ўртасида эконометрик боғлиқлик мавжуд;

- кичик бизнес субъектларига кредитлар беришда олдинги кредитларнинг қайтарилиш тўғрисидаги маълумотларини синчиклаб ўрганиш ва ўз вақтида кредитларни тўлиқ қайтарган тадбиркорлик субъектларига маълум бир имтиёзлар бериш (масалан, кредитнинг фоиз ставкасини камайтириш, кредит миқдорини ошириш, кредит тўлов муддатини узайтириш, солиқ тўловлар ставкасини камайтириш ва х.к.);

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улушига таъсир этувчи бошқа омилларни эконометрик моделга киритиш орқали моделнинг аниқлиги ва прогноз қийматларининг ҳаққонийлигини ошириш.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ажратилган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг

мамалакат ЯИМдаги улуши ортишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Ишонч, 2004 йил 10 февраль, 22-сон.

2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. //Халқ сўзи, 17 январь 2015 йил.

3. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2000. – 48 б.

4. Салаев С.К. Кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: Фаң, 2007. – 265 б.

5. Маматов Б.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиёти ва уни такомиллаштириш. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2010. – 22 б.

6. Гурсунов Р.Т. Бизнесда микдорий усуллар. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 128 б.